

Мавланов Нурали Райимович,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

Аннотация. Ушбу илмий мақола ўзининг беқиёс ва бебаҳо билими ва илмий асарлари, ибратли фазилатлари билан нафақат келажак авлод, балки ўз халқи учун ҳам муносиб ибрат бўлиб қолган буюк аллома Ибн Жарир Табарийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида. Унда олимнинг ҳаёти ва фаолиятига оид қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *зехн, идрок, ҳадис, илм, муҳаддис, мантиқ.*

Ибн Жарир Табарий болалигидан бетакрор ва ғайриодатий зехн, идрок, ақл ва фаҳм соҳиби эди. У нафақат бу жиҳатларда, балки ўрганган илмларини ҳаётга татбиқ этиш, у билан яшаш, марҳамат ва адолатпарварлик борасида ҳам ўз даврининг бетакрор инсони эди. Ўз фарзандида мазкур жиҳатларни кўрган ота уни уламолар ва маъҳадларга жалб этди. Топганини шу ниятда топди ва асосан шу йўлда сарфлади. Натижа ўлароқ Ибн Жарир Табарий отасининг кўрган туши таъбирини амалда намоён этди. Бу жараённинг тезлиги унинг мазкур сўзларидан ҳам англаш мумкин: “Қуръонни тўлиқ ёд олганимда ёшим еттида эди. Саккиз ёшимда одамларга имомлик қилар эдим. Тўққиз ёшимда эса ҳадисларни ёзишни бошлаган эдим”.

У ўзида жамлаган илм ва маълумотларнинг қанчалар кўплиги ва нақадар пухта эканлигига бизга қадар етиб келган китоблар ва улардаги бебаҳо қайдлар далилдир.

Мана шу хусусиятлари сабабли болалик чоғидан илм йўлида жонфидо бўлган Ибн Жарир Табарий узликсиз давом этган толиби илмлик фурсатлари ичида муносиб ва муқтадо илм ва хулқ соҳибига айланади.

Ибн Жарир Табарий тавқо бобида юксак даража соҳиби эди. Бу борада бир жамоа парҳезкор инсонлар фаразан бир уммон бўлса, унинг ўзи алоҳида

уммон эди. Ҳаромдан ҳазар қилар эди. Ўзини шубҳалардан узоқ тутар эди. Қайтарилган сўзлар, ишлар ва нарсалардан ўзини асрар, уларга мубтало бўлишдан қаттиқ кўрқар эди.

Ибн Касир унинг тавқо ва парҳезкорлиги ҳақида шундай дейди: “У ҳақда мустаҳкам ва собит турар эди. Уни бу борада бирор бир маломатчининг маломати тута олмас эди. Солиҳларнинг энг улуғларидан эди”.

Ибн Жарир Табарий ўз даврининг энг муқтадо такводор олимларидан бири бўлган. Унга қозилик мансаби таклиф этилганида у бу таклифни рад қилган. Илм ва таълим йўлини ҳаммасидан устун кўрган.

Ибн Жарир Табарий ифбат ва ҳаёт соҳиби эди. У тилини илм аҳли учун номуносиб бўлган ахлоқсиз сўзлар ҳамда ўзгаларга озор берадиган озорли сўзлардан жиловлар эди. Ҳаётининг охирига қадар шундай яшади.

Боз устига у дунё молларида зоҳид, унинг фитна ва матоларига мубтало бўлмаган эди.

Илм талаб қилиб юрган чоғида оз молнинг озроғи, яъни жуда ҳам оз мол билан қаноатланар эди.

У қанчалар қийналмасин, оғир вазиятга тушмасин, инсонлардан бирор бир дунё молини сўрамас эди. Сабр қилар ва сўровдан бошқа ечим ахтарар эди. Одамларнинг молидан ифбатли эди. Дунёга мафтун бўлишдан ва оқибатда ҳалокатга учрашдан кўрқиб молиявий тортиқларни олмас эди. Ҳатто шу хавф сабабидан ҳаёти давомида подшоҳлар, ҳокимлар ва амирларнинг совғаларини ҳам қабул қилмас эди.

Ибн Жарир Табарий ўзини дўстлари, уни кўргани келган зиёратчилар ҳамда ўз талабалари ҳузурида жуда ҳам камтар тутар эди. Илмдаги тутган ўрнидан манманлик томон қиё ҳам боқмас эди. Илми билан ўзи ўзгалардан катта тутмас, ўзгалардан устун кўрмас эди.

Бирор бир зиёфатга чорланса, чақириқ учун жавоб бериб, албатта борар эди. Ундан сўралган илмий саволларга оринмасдан, меҳр билан жавобларни берар эди. Бирор бир кимсага нисбатан ҳасад, адоват қилмас, гина сақламас эди. Умрининг ҳар сониясини эзгуликлар учун фурсат, деб билар эди. Унинг

нафси Аллоҳнинг қадарига доимо рози эди. унинг ҳаққи борасида билмасдан хато иш қилганларни авф этар, ёнга атай ёмонлик қилганларни ҳам кечира олар эди.

Ҳаётининг сўнгги онларида Аҳмад ибн Ҳанбал ҳақида билдирган маълум муносабатидаги нисбатлари ортидан юзага келган тушунмовчилик оқибатида Абу Бакр Муҳаммад ибн Довуд ал-Зоҳирий Ҳанбалий ва унинг ҳаммаслаклари томонидан ўзи ҳақида айтилган турли номуносиб нисбатлар, тухматлар, ўта аламли камситиш ва айирмачиликларга жуда ҳам ибратли даражада сабр қила олган, ҳатто уларни осонлик билан авф эта этган ҳам.

Қаршисидаги инсон ҳатто унинг рақиби сифатида кўриниш берса ҳам унинг фазилатларини эътироф эта олган. Лекин ботил ва ноҳақликни кўрса индамай жим тура олмаган. Табиб мисол ҳикмат ва илм ила уларни баргараф этиш чораларини кўрган. Ҳақни ҳақ, деб билган ва бу борада қалби жасур ва шижоатли бўлган. Уни бу борада бирор бир маломатчининг маломати тута олмас эди. Нодон ва жоҳил кимсалардан қанчалар озор ва жабрлар чекмасин, барчасига сабр қилиб, уларга тўғри йўл ва ҳақиқатни эълон қила олган.

Ибн Жарир Табарий ҳар доим банд бўлар эди. Бирор кимса у кишини умуман бекор, бўш ҳолатда топмаган эди. У китоб тасниф қилиш ишларидан ташқари, шогирд талабаларига илм ўргатар, турфа лозим маълумотларни ёздирар ҳам эди. Бундан ташқари ҳар кеча уйқуга ётиш олдидан **Қуръоннинг тўртдан бир қисмини, балки унданда кўпроқ қисмини ўқиб бўлганидан кейингина ётар эди.** Мана шундай тиришқоқлиги натижасида у ўз замонасида ундан **кўра Қуръонни чиройли овозда ва тажвид қоидаларига тўла амал қилган ҳолда ўқийдиган кимса топилмас эди.**

Ибн Жарир Табарий аср намозига қадар ўзи китоб ёзган, аср намозидан шом намозига қадар шогирдларига айтиб туриб ёздирган. Шом намозидан хуфтон намозигача илм берган. Хуфтон намозини адо этиб бўлгач уйига кирган.

У киши ўзининг бетакроп ва қимматли вақтини мана шу зайлда жуда ҳам тартибли равишда илм олиш ва таълим беришга тақсимлаб, ўша тартибларига қатъий амал қилган.

Ибн Жарир Табарий болалигидан Қуръон учун тафсир ёзишни ният қилган эди. Ниятига ҳам муваффақ бўлди. У тафсир китобини катта ҳажмда таълиф этишга мушарраф бўлди. Баъзи нашрларда ўн беш жилдли, айрим нашриётларда эса ўттиз жилдли бўлиб нашр этилган. Унинг энг сўнгги янги нашри Абдуллоҳ ибн Абдулмуҳсин ат-Туркийнинг таҳқиқи остида ҳижрий 1434 йил, милодий 2012 йил 26 жилдли бўлиб нашр этилди. Ибн Жарир Табарийни оламга танитган ҳам айнан унинг Қуръон учун тафсир асари ҳисобланади.

Имом Муслим ибн Ҳажжожнинг етук шогирди, Абу Бакр ал-Қаффолаш-Шошийнинг устози, “Саҳиҳу Ибн Ҳузайма” асарининг муаллифи, машхур муҳаддис ва фақиҳ – Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ҳузайма ибн Муғийра ибн Солиҳ ибн Бакр ан-Нисабурий аш-Шофеъий (ҳижрий 223-311) айтади: “Мен Ибн Жарирнинг тафсирини бошидан то охиригача ўқиб чиқдим. Билдимки, Ер юзида унданда олимроқ одам йўқ”.

Ибн Жарир Табарий ўзининг болалигидан орзу қилган ва мана шундай юксак эътирофларга сабаб бўлган тафсирини етти йил давомида шогирдларига айтиб туриб ёздирган.

Ибн Жарир Табарий илм талаби билан мусофирликда юрган чоғларида кўп қийинчилик ва машаққатларни бошдан кечирган. Ҳатто, отаси юборган пул кечикиб, очлик ва йўқчилик зўрлик қилганида кийиб юрган кўйлагининг енгини кесиб сотган ва шунинг пулига нон сотиб олиб тановул қилган.

Бошидан кечирган машаққатларига сабр қилганлиги ҳамда ўта тақводор ва тавозеъли бўлгани учун ҳам зеҳни ўткир, фикри теран, юксак салоҳиятли олим бўлиб етишди. У киши нафақат тафсир, ҳадис, тарих мисол илмлар, балки араб тили грамматикаси, мантиқ, алгебра, тиб каби илмларда ҳам чуқур маълумотга эга бўлган.

Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Собит Хатиб Бағдодий Ибн Жарир Табарий ҳақида ўзининг “Тариху Бағдод ва зуйулуху” китобида шундай дейди: “Али ибн Убайдуллоҳ ас-Симсимийдан эшитдимки, Ибн Жарир Табарий қирқ йил давомида ҳар куни қирқ варақдан китоб ёзган экан”.

Ибн Жарир Табарий шу қадар кўп ва машҳур шайхлар ҳузурида таълим олдики, уларнинг аниқ бир ададини келтириш жуда ҳам қийин.

Заҳабий Ибн Жарир Табарийнинг бир қанча мўътабар шайхларини санар экан, сўзлари якунида “و لقي أمّاً سواهم”, дея “У санаб ўтилган шайхларидан ташқари яна бир қанча олимлар жамоаси билан ҳам учрашган”, дея уни ҳисоби қийин бўлган кўплаб алломалар ҳузурида таълим олганини қайд этади. Ибн Жарир Табарийнинг Рай шаҳридаги шайхи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳумайд ар-Розий ат-Тамимий (вафоти ҳижрий 248) бўлиб, ундан Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам ҳадис ривоят қилган. Ибн Жарир Табарий ушбу шайхидан тафсир ва ҳадис илмидан таҳсил олган. Айнан унинг ўзидан бир юз минг ҳадисни ўрганган.

Ибн Жарир Табарий ўз замонасининг энг сара ва кўзга кўринган етук алломаси бўлиб, унинг ҳузурида жуда ҳам кўплаб шогирдлар илм таҳсил қилишган. Уларнинг энг машҳури бу – шайх Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Фарғонийдир.

Ибн Жарир Табарий йигирмадан ортиқ асарлар ёзган бўлиб, улардан энг машҳури иккитасидир. Бири Қуръон тафсири бўлса, иккинчиси тарих соҳасига тегишли.

Ибн Жарир Табарий ҳижрий 310 йил, шаввол ойининг 26 куни, милодий 923 йил, февраль ойининг 16 куни, якшанба туни шом вақтида вафот этди.

У тўлиқ ҳаёти давомида илм ва унга амал қилиш меҳробада яшаб ўтди.

Ибн Касир унинг вафоти ҳақида шундай дейди: “Ибн Жарир Табарий табаррук 85 ёшида вафот топди. Шу ёшида ҳам унинг соч ва сақолларида қоралик жуда ҳам кўп эди. У маълум сабабларга кўра ўз ховлисида дафн этилди. Бунинг сабаби у кишининг ўзининг “Ихтилаф ал-уламо” китобида

Абу Ҳанифа, Шофеъий, Моликий ва Авзоъий мисол қатор фақиҳлар ва уларнинг илмий баҳслари ҳақида сўз юритар экан, улар қаторида Аҳмад ибн Ҳанбални зикр қилмаган. Бунинг сабаби ҳақида сўралганида “Аҳмад ибн Ҳанбал ҳақиҳлик бобида эмас, балки кўпроқ муҳаддислик бобида мўътамадроқ бўлган” дея жавоб қилган. У бу гаплари билан аслида Аҳмад ибн Ҳанбални камситмаганлар. Ҳатто ҳаётлари давомида у кишининг илмий маком ва даражалари ҳақида фақат ва фақат юксак ва аъло баҳоларни билдириб келган. Бироқ ўша жавобни нима маънода айтилганлигини мулоҳаза қилмасдан, ғазаб отига минган Абу Бакр Муҳаммад ибн Довуд ал-Зоҳирий Ҳанбалий ва унинг ҳаммаслаклари Ибн Жарир Табарий ҳақида тухматлар, ўта аламли камситиш ва айирмачиликларни келтириб чиқарган, ҳатто у кишини ховлисидан чиқишига ҳам имкон беришмаган. Айрим нодон ва жоҳил кимсалар у кишини иймонсизликда айблашга ҳам журъат қилишган. Ҳолан у киши аслида бу нисбатлардан пок бўлиб, ислом дини ва оламида Қуръон ва суннат илмларини энг яхши билиш ва у иккисга амал қилиш бобида энг мўътамад ва мўътабар инсон, дея эътироф этилган инсон эди. Мазкурлар сабабидан баъзи нодонлар Ибн Жарир Табарийни дафн ишига тўсқинлик қилишди ва боис у ўз ховлисида дафн этилди”.

Араб муаррихи Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Собит Хатиб Бағдодий Ибн Жарир Табарийнинг жанозаси ҳақида ўзининг “Тариху Бағдод ва зуйулуху” китобида шундай дейди ва айнан унинг гапларини Шом ўлкасининг муҳаддиси саналмиш буюк аллома Абулқосим Али ибн Ҳусайн ибн Ҳибатуллоҳ ибн Асокир ад-Димашқий ҳам ўзининг “Тариху мадинати Димашқ” китобида таъкидлайди: “Унинг жанозасига ҳисоблаб бўлмас даражада инсонлар ҳозир бўлишди. Улар шу қадар кўп эдики, Аллоҳ таолодан ўзга кимса уларнинг адади ҳисобини билмайди. Шу боис ҳам унинг қабри устида бир неча ой давомида туну кун жаноза ўқилди. У вафот топган кунининг эртасига душанба куни тонг саҳарда Бағдоддаги ўз ховлисида дафн этилди. Бу айрилиқ учун жуда ҳам кўплаб аҳли илмлар кўз ёш тўкиб, Ибн

Жарир Табарий ҳақида денгиз мавжид мисол хуш сўз ва эътирофларни айтдилар”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. البداية والنهاية، ابن كثير الدمشقي، الجزء الحادي عشر، فصل: ثم دخلت سنة عشر وثلاثمائة، ترجمة أبو جعفر الطبري،
2. ياقوت الحموي: معجم الأدباء (إرشاد الأريب إلى معرفة الأديب) ج 6،
3. تاريخ بغداد وذيوله، للخطيب البغدادي، طبعة المكتبة العلمية، ج 2،
4. تذكرة الحفاظ، شمس الدين الذهبي، الطبقة العاشرة، ترجمة محمد بن جرير الطبري،
5. سير أعلام النبلاء، شمس الدين الذهبي، الطبقة السابعة عشر، محمد بن جرير، ج 14،
6. طبقات رواة الحديث بخراسان في القرن الخامس الهجري وعددهم (555) راويا، اطروحة دكتوراه: منصور غلام عبد الستار النهلوي، جامعة دمشق،
7. كتاب الطبري: السيرة والتاريخ، الدكتور عبد الرحمن العزاوي، دار الشؤون الثقافية،
8. د/ محمد الزحيلي: الإمام الطبري،
9. تاج الدين السبكي: طبقات الشافعية الكبرى ج 3،